

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Абдурахим Нортожиевич ТЎРАЕВ

Профессор
иқтисодиёт фанлари доктори
Тошкент халқаро молиявий бошқарув
ва технологиялар университети
Тошкент, Ўзбекистон

Email: a.torayev@tift.uz

Баҳодир Шермухаммедович МАНГИТОВ

мустақил изланувчи
Тошкент кимё халқаро университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақола аудиторлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг иқтисодиётдаги аҳамияти ва ривожланиш истикболларини ўрганишга қаратилган бўлиб, унда аудиторлик, молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш, молиявий жараёнларни назорат қилишнинг корхоналар фаолиятини баҳолашдаги муҳим роли ифодаланган.

Таянч сўзлар: аудит ва аудиторлик фаолияти, бизнес, стратегик қарорлар, инвесторлар, ички назорат тизими.

РАЗВИТИЕ АУДИТОРСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Абдурахим Нортожиевич ТУРАЕВ

Профессор
доктор экономических наук
Ташкентский международный университет
финансового управления и технологий
Ташкент, Узбекистан

Email: a.torayev@tift.uz

Баҳодир Шермухаммедович МАНГИТОВ

Независимый исследователь
Ташкентский международный университет Кимё
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

Статья направлена на изучение особенностей аудиторской деятельности, ее значимости для экономики и перспектив развития. Аудит играет важную роль в подтверждении финансовой отчетности, контроле финансовых процессов и оценке деятельности организаций.

Ключевые слова: аудит и аудиторская деятельность, бизнес, стратегические решения, инвесторы, система внутреннего контроля.

Ўзбекистонда эркин тадбиркорлик ва бозор муносабатларига ўтилиши,

иқтисодий ўсиш, бюджет даромадлари ҳамда иш ўринларини яратишда тадбиркорлик субъектларига асосий ўрин берилишида республикада вужудга келган янги иқтисодий хизмат турларидан бири – молиявий аудит хизматининг роли бекиёсдир.

Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) мустақил аудиторнинг молиявий ҳисобот аудитини халқаро аудит стандартларига мувофиқ амалга оширишдаги асосий мажбуриятларини белгилайди. У мустақил аудиторнинг асосий мақсадларини белгилаб беради ва мустақил аудитор томонидан ушбу мақсадларга эришишга имкон берадиган аудиторлик тартиб-таомилларининг моҳияти ва ҳажмини тушунтиради. Ушбу стандарт, шунингдек, халқаро аудит стандартларининг ҳуқуқ манбаи сифатида қўлланилиши, роли ва тузилишини тушунтиради. Унда мустақил аудиторнинг барча аудит турларига тааллуқли асосий мажбуриятлари, шу жумладан халқаро аудит стандартларига риоя қилишнинг энг муҳим мажбуриятини белгилайдиган талаблар мавжуд.

Аудитнинг мақсади – молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботга бўлган ишончини оширишдир. Бунга аудитор томонидан молиявий ҳисобот ҳақиқатан ҳам молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг амалдаги концепцияси мезонларига мувофиқ барча муҳим жиҳатлар бўйича тайёрланганлиги тўғрисида тегишли фикрни шакллантириш орқали эришилади. Ҳисоботнинг молиявий умумий мақсадини тайёрлаш бўйича кўпгина тушунчаларни қўллашда бу молиявий ҳисобот ҳақиқатан ҳам барча муҳим жиҳатларда ишончли тарзда тақдим этиладими ёхуд у ёки бу концепцияга мувофиқ ҳақиқий ва ишончли вакилликни таъминлайдими, йўқми деган фикрдир.

Аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган аудит мажбурий тартибда ҳужжатлаштирилиши, яъни олинган ахборотлар аудитнинг иш ҳужжатларида акс эттирилиши ва мазкур аудит стандартига мувофиқ расмийлаштирилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги [1]

конуни ва "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"[2]ги ҳамда "Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"[3]ги қарорлар аудиторлик соҳасини ривожлантириш, рақобат муҳитини шакллантириш, халқаро стандартлар асосида фаолият олиб бориш ва халқаро аудиторлик ташкилотларига аъзоликни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Айни вақтда, аудит ва аудиторлик фаолияти тўғрисида тадбиркорлар орасида ўтказилган сўровларда, аксарият тадбиркорлар аудиторлик фаолиятини корхона бухгалтерия хужжатларини текширишга оид фаолият, қисман солиққа тортиш муносабатларида маслаҳатчи ва махсус саволларга тушунтиришлар бериш фаолияти деб тушунилиши маълум бўлмоқда.

Албатта, аудиторлик фаолиятини чекланган тушунилиши унинг бизнесни ривожлантириш ва бошқаришда ўзаро ҳамкорликнинг мавжуд имкониятлари ва истиқболларини чеклайди, деб айтиш мумкин. Зеро, ҳозирги кунда аудит ва аудиторлик ташкилотлари томонидан молиявий аудитдан ташқари бошқа хизматлар ҳам таклиф этилмоқда.

Маълумот учун: ҳозирги кунда молиявий аудит билан бирга инвестиция фаолияти аудити, саноат аудити, экологик аудит, юридик аудит, HR аудит, PR аудит, хавфларни баҳолаш аудити хизматлари таклиф этилмоқда. Бу эса аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш учун катта поғона бўлиб ҳисобланади.

Аудит ва бизнеснинг ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик жуда муҳимдир, чунки аудит ишончилиқни таъминлайди ва бизнесни барқарор ва самарали бошқаришга ёрдам беради. Аудиторлик фаолияти орқали корхоналар ўз молиявий ҳолатлари тўғрисида ишончли ва аниқ маълумотларга эга бўлишлари мумкин. Бу бизнес эгалари ва инвесторларга асосли қарорлар қабул қилишда амалий ёрдам беради.

Бизнесни бошқариш ва ривожланишида аудитнинг ўрнини тушуниш учун бир нечта жиҳатларга эътибор қараташимиз керак бўлади:

Бошқарувда шаффофлик: Кўп ҳолларда, бизнес эгалари стратегик қарорлар қабул қилиш вазифасини бажарган ҳолда, корхонанинг давлат назорат органлари ҳамда контрагентлар билан муносабатларини ёлланма директорларга ишониб топширишади. Бироқ ижро органининг салоҳияти ва корхона фаолиятига раҳбарлик қилишда амалдаги қонунчилик талабларини билиш ва унга риоя этилган тақдирда ушбу бизнесга нисбатан давлат назорат органларининг эътирозлари пайдо бўлмайди.

Инвестион лойиҳалар аудити: Таҷрибада, инвесторлар ва акциядорлар ўз маблағларини қайси лойиҳага ёки бизнесга йўналтиришларини белгилашда кўп ҳолларда аниқ ҳисоб-китоблар эмас, балки шахсий фикрлар муҳим омил бўлиб қолмоқда. Инвестиция киритиш режалаштирилган объект, унинг жорий ҳолати, рентабеллик даражаси, ривожланиш истикболлари, жорий мажбуриятларини активлар билан таъминланганлик даражаси, муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун рухсат берувчи ҳужжатларнинг тўғрилиги, давлат назорат органларининг инвестиция объектига нисбатан эътирозлари каби ҳолатлар эътибордан четда қолмоқда.

Ички назорат тизимини яхшилаш. Аудиторлик фирмалари ички назорат тизимларининг самарадорлигини баҳолашда ёрдам беради. Ички назорат тизимининг тўғри ташкил этилганлиги, корхонани ички ва ташқи молиявий муаммолар ва фирибгарликлардан ҳимоя қилади. Ички назорат тизимини ташкил этиш ва бошқариш замонавий корпоратив бошқарув муносабатларида ҳам энг муҳим соҳалардан бири сифатида белгиланган.

Молиявий маблағлардан фойдаланишда самарадорлик. Ҳар қандай бизнесни ташкил этиш ва ривожлантиришда айланма маблағлар энг муҳим омил ва бизнесдаги якуний натижа ҳам албатта пул билан ўлчанади. Бунда, корхона маблағларини мақсадли ва самарали сарфланишини таҳлил этиш энг муҳим масалалардан бири.

Молиявий маблағлардан фойдаланишда самарадорликни аниқлаш:

Аудит тизими республикамізда аудиторлик фаолиятини аудитнинг ҳалқаро стандартлари асосида ўтказиш белгиланган. Аммо

йирик субъектлар бухгалтерия ҳисобини миллий ва ҳалқаро стандартлар асосида тузиб келмокда. Бу эса аудитордан аудитнинг ҳалқаро стандартлари асосида миллий ҳисоб тизимига ҳам, ҳалқаро стандартлар асосида юритилган ҳисоб тизимига ҳам ҳисобот ёзишни талаб килади. Шу сабабли аудиторлик текширувини аудитнинг ҳалқаро стандартлари асосида ташкил қилиш бугунги кунда муҳим ҳисобланди. Бу текширувдв

Корхона солиқ юкини таҳлил қилиш, солиқ мажбуриятларининг бажарилиши, солиқ ва мажбурий тўловлар кечиктирилгани учун ҳисобланган пеня ва солиқ ҳуқуқбузарликлари учун ҳисобланган жарималар суммаси ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари.

Корхонага хизмат кўрсатувчи банкнинг тарифлари ва уларнинг бошқа банклар тарифлари билан, бунда қўшимча банк хизматлари билан бирга фарқи.

Банк кредитлари, лизинг маблағларини жалб қилиш ва тўлашда фоиз харажатларини реал кўриниши (кредит учун асосий банк фоиз ставкаси, бир марталик банк комиссиялари, қўшимча банк хизматлари, суғурта, гаров ва бошқа масалалар).

Корхона иш ҳақи фонди ва ходимни сақлаш билан боғлиқ харажатларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) таннархидаги улушини аниқлаш, уларни камайтириш билан боғлиқ таклифлар.

Корхона эҳтиёжлари учун товарлар ҳарид қилишда ёки мажбуриятларни бажаришда муқобил таклифларни ишлаб чиқиш (масалан, товар ҳарид қилишда суғурта полиси тақдим этиш орқали тўлов муддатини кечиктириш (товар кредити), контрагентлар мажбуриятларини бажариш кечиктирилганда тўловларни ундириш муддатларини қисқартириш ва ҳ.к).

Харажатларнинг асослилиги ва зарурлиги, уларни оптималлаштириш бўйича таклифлар (айрим вазифаларга аутсорсинг шартларида бошқа корхоналарни жалб қилиш, электрон ҳужжат айланмасига ўтиш, назорат функциясини бажаришда замонавий ИТ технологиялардан фойдаланиш (масалан, ишчиларнинг корхонага кириб чиқишини назорат қилишда FACE

ID тизимини жорий этиш, транспорт воситаларига GPS Treker ўрнатиш).

Меҳнатга ҳақ тўлашда рағбатлантирувчи тўлов тизими бўйича таклиф бериш.

Бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Молиявий маблағлардан фойдаланишда самарадорлик аудити корхона ҳақиқий харажатларини аниқлаш ва уларни қисқартиришда “яширин имкониятлар” ва “янги ресурслар” усулларида оптималлаштиришга ёрдам беради.

Аудиторлар корхонанинг молиявий жараёнларини текшириб, унинг самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатадилар. Улар орқали корхона ўз ҳисоботларини аниқ ва сифатли қилишга интилади, бу эса фаолиятни янада самарали қилади. Мазкур жараён корхонанинг келгусидаги муваффақияти ва тўғри молиявий бошқарувини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Қонунлар ва меъёрий талабларга мувофиқлик: Корхоналарга аудит қонунчилиқ ва меъёрий талабларга мувофиқ равишда фаолият олиб боришларини таъминлашда ёрдам беради, бу орқали ҳуқуқий муаммоларнинг олдини олишга ва барқарор ишлашга ёрдамлашади.


Ўзбекистонда аудиторлик ташкилотлари сонининг сўнгги 5 йилдаги (2019–2023) кўрсаткичлари қуйидагича.

Сўнгги 5 йил давомида Ўзбекистонда аудиторлик ташкилотлари сонини солиштириб қўрганимизда аудит ташкилотларининг сониди ўсиш кузатилади. Демак, қонунчилиқ ислоҳотлари ва бозор талаблари аудиторлик хизматларига бўлган талабнинг ўсишига сабаб бўлмоқда.

Шу давр мобайнида Ўзбекистонда аудиторлар сони кўрсаткичлари муайян динамикага эга бўлди, .аудиторлар сониди маълум ўсиш кузатилди, бу эса аудиторлик хизматларига бўлган талабнинг ошиши, қонунчилиқ ислоҳотлари ва аудиторлик соҳасини ривожлантиришга қаратилган давлатимизнинг амалга ошириб келаётган иқтисодий ислоҳотлари билан боғлиқ. Шу билан бирга, аудиторлар сонининг ўсиши, уларнинг касбий малакаси ва халқаро стандартларга мувофиқ фаолият кўрсатиш даражаси ҳам

ошгани кузатилмоқда. 2023 йилда 1003 нафар аудитор бўлиб, шундан халқаро бухгалтер сертификатиغا эга бўлганлар (CIPA, ACCA, DipIFR, CPA) 121 нафарни ташкил этган.

Қуйидаги графикда сўнги 5 йиллик аудит ташкилоти ва аудиторлар сонини кўришимиз мумкин(6).



1-расм. Аудиторларнинг сонинининг сўнги 5 йилдаги (2019–2023) кўрсаткичлари.

Ташқи аудит бизнеснинг молиявий жараёнларини холис ва мустақил баҳолаш орқали корхона фаолиятини шаффоф қилади. Бу жараёнда аудиторлар корхонанинг молиявий маълумотларини текширади, бу эса сармоядорлар, кредиторлар ва акциядорларга корхона ҳақида ишончли маълумот олиш имконини беради. Ташқи аудит орқали бизнес молиявий ҳисоботларини шаффоф қилиб, қонунбузарликларнинг олдини олади ҳамда бизнес обрўсини оширади.

Бизнеснинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг ишончлилигини таъминлаш орқали ривожланишига аудит катта ҳисса қўшади. Бизнес ўзининг заиф томонларини аудит орқали аниқлайди, молиявий барқарорлигини оширади ва стратегик қарорлар қабул қилишда ишончли маълумотларга эга бўлади.

Корхонанинг молиявий ва операцион фаолиятини самарали назорат қилиш ва ривожлантиришда аудит муҳим восита бўлиб хизмат қилади. У бизнеснинг стратегик қарорлар қабул қилишига ёрдам бериб, молиявий барқарорликни мустаҳкамлайди, келажакдаги хавф-хатарларнинг олдини

олади. Мунтазам аудит жараёнлари компаниянинг ишончлилигини ошириб, бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга ва бизнес муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Шунингдек, аудит солиқ рискларини бошқаришда ҳам аҳамиятга эга. Корхона молиявий ҳисоботлари солиқ қонунларига мувофиқ бўлиши лозим, акс ҳолда солиқ текширувлари ва жарималарга дуч келиш хавфи мавжуд. Тўғри ва мунтазам аудит жараёнлари орқали корхона солиқ рискларини камайтириб, узоқ муддатга мўлжалланган мақсадларига муваффақиятли эришиши мумкин .

Хулоса қилиб айтганда, аудиторлик текширувларини ўтказиш учун аудитнинг ишчи ҳужжатлари шакллантирилиб, аудитнинг режаси ва дастурига асосан текширув жараёни амалга оширилади.

Аудиторлик текширувлари натижаси аудиторлик хулосаси билан белгиланади. Аудиторлик хулосаси 2 хил – модификацияланган ва модификацияланмаган шаклда амалга оширилади.

Шу сабабли, йирик субъектларнинг асосий самарадорлигини белгилашда аудиторлик текширувини аудитнинг халқаро стандартлари асосида ўтказиш муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аудиторлик фаолияти тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 феврал ЎРҚ-677-сонли Қонуни. Lex.uz
2. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябр ПҚ-3946-сонли Қарори. Lex.uz
3. Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 август ПҚ-5210-сонли Қарори. Lex.uz
4. Тўлаходжаева М.М., Илхомов Ш.И. Аудит: ўқув қўлланма. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2012.
5. <https://www.ifac.org>

6. [https:// www. api.mf.uz](https://www.api.mf.uz)